

ЎЗБЕК ТИЛИ**6-синф****4-вариант****1. Ёш ўлчовини билдирадиган ҳисоб сўзларини белгиланг.**

- А) Танга, тийин, мири. Б) Ёшлик, яшар, ойлик.
В) Гуруҳ, тўда, даста, ҳовуч. Г) Парча, варақ, бурда, оғиз, лукма, чимдим.
Д) Дона, нусха, туп, бош, нафар.

2. Ватанимиз бир осмон бўлса,*Биз уни бебаган юлдузларимиз. Мисрадаги соннинг турини аниқланг.*

- А) Микдор сон. Б) Дона сон. В) Тақсим сон. Г) Тартиб сон. Д) Жамловчи сон

3. Ота-боболаримиз сизнинг шундай бахтли яшашингиз учун курашганлар.**Гапдаги олмошнинг шахс-сонни тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатинг.**

- А) I шахс, бирлик, қаратқич келишиги. Б) II шахс, бирлик, қаратқич келишиги.
В) III шахс, бирлик, қаратқич келишиги. Г) II шахс, кўплик, қаратқич келишиги.
Д) III шахс, кўплик, қаратқич келишиги.

4. Извогарнинг ўзи ёмон, ўзидан ҳам сўзи ёмон. Гапдаги олмошнинг турини аниқланг.

- А) Кишилик олмоши. Б) Ўзлик олмоши.
В) Кўрсатиш олмоши. Г) Белгилаш олмоши.
Д) Бўлишсизлик олмоши .

5. Кўрсатиш олмошларини белгиланг.

- А) Мен, сен, у, биз, сиз, улар. Б) Ҳамма, бари, барча.
В) У, бу, шу, ўша, ана, мана, ана шу, анови, мана бу.
Г) Ўша, мен, сен, у, шу. Д) Биз, мана шу, ана шу.

6. Жуфт сонлар берилган жавобни кўрсатинг.

- А) Беш, икки, уч, етти. Б) Ўн икки, йигирма тўрт.
В) Икки-икки, бир-бир. Г) Олти-етти, бир-икки.
Д) Еттидан тўрт, тўққиз ярим.

7. Кишилик олмошлари берилган жавобни кўрсатинг.

- А) Ҳамма, ҳар бир, ҳеч ким. Б) Ким? Нима? Қачон?
В) Мен, сен, у, биз, сиз, улар. Г) Ҳеч ким? Ҳар қачон? Ҳар вақт.
Д) Мен, ҳамма,биз, улар.

8. Бўлишсизлик олмоши қатнашган гапни аниқланг.

- А) Ана улар, қадамларини секинлатиб тўхташди... Б) Ҳеч нарса йўқ дунёда инсон измига кирмас.
В) Улар яна бир оз туришди-да, сўнг ажралишди. Г) Саодат уйига ошиқди.
Д) Мана таниш дарча ҳам кўзга ташланди.

9. Гумон олмошли гапни кўрсатинг.

- А) Сухбатга берилиб кетиб, етиб келганимизни сезмай қолибмиз.
Б) Ёзнинг иссиқ кунларидан бири. В) Ҳеч нарса сизга тўсқинлик қилмайди.
Г) Сой, унча катта бўлмаса ҳам, ниҳоятда те оқарди. Д) Орқамдан аллакимнинг шарпасини сездим.

10. Бўлишсизлик олмошларини белгиланг.

- А) Ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қандай. Б) Бари, жами, ҳар ким, ҳар нима.
В) Қанча, неча, нечанчи. Г) Шу, мана, бу, анави.
Д) Ўзи, ўзимиз, ўзингиз.

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори - 10

баллари	баҳо
0-3	«2»
4-5	«3»
6-7	«4»
8-10	«5»